

ал-Аъзамий), ал-Мажлисул илмий, Байрут, 1403/1983.

• Абу Хайён. Баҳри мухит, Дорул-фикр, Байрут, 1983.

• Аҳмад ибн Абдуллоҳ ат-Табарий (ваф. 694/1295). Риёзун-надира. Дорул-гарбил-исломий, Байрут, 1996.

• Ажлуний, Исмоил бин Муҳаммад (ваф. 1162). Кашфул-хофа ва му-зилул-илбос, Муассасатул-рисала, Байрут, 1988.

• Аҳмад ибни Ханбал (781–856). Муснад, Муассасатул-Куртуба, Қоҳира, сана кўрсатилмаган.

• Фазоилус-саҳоба, Муассасатул-рисала, Байрут, 1403/1988.

• Алийюлқорий (ваф. 1014/1606). Ал-Маснуъ фи маърифати ҳадисил мавду. [Таҳқиқ: Абдулфаттоҳ Абу Лутфи Гудда], Мактабул-мат буатул-исломий, Қоҳира, 1984.

• Байҳакий, Абубакр Аҳмад бин ал-Хусайн (х. 994–1066), Ас-Сунанул кубро, Мактабату дорил-боз, Макка, 1410/1994.

• Шуъбул-имон (Таҳқиқ: Муҳаммад ас-Саид Басюний аз-Зағаул), Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1410/1990.

• Зухд, Муассасатул-кутубис-сакофийя, Байрут, 1996.

• Далоимун-нубувва, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1985.

• Ал-Эътикод вал-ҳидоя [Таҳқиқ: Аҳмад ал-Котиб], Дорул-офоқилжадида, Байрут, 1984.

• Муснадул-Ҳорис (Завоидул-Ҳорис), [Таҳқиқ: Хусайн Аҳмад Солиҳ ал Бакирий), Марказу Хидматис-Сунна ва Сийратун-Набавийя, Мадина, 1413/1992.

• Ҳоким, Абу Абдуллоҳ бин Абдуллоҳ Найсобурий (933–1015), Мустадакдрак алас-Саҳиҳайн, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1411/1990.

• Ҳофиз ал-Мунзирий. Ат-тарғиб ват-тарҳиб. 1-7 том (туркча тарж.), Ҳикмат Яйинлари, Истанбул, санасиз.

• Хумайдий, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр (вафот 834). Муснад [Таҳқиқ: Ҳабибурраҳмон ал-Аъзамий], I–II, Дорул-кутубил-илмийя-Мактабатул-Муътанаббий, Байрут-Қоҳира, санаси кўрсатилмаган.

• Ибн Абдилбарр, Юсуф бин Абдуллоҳ бин Муҳаммад (ваф. 1071). Истиъоб, Дору-жил, Байрут, 1992.

• Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий ал-Журжоний (ваф. 365/976). Ал-Комил фи дуафоир-рижол, Дорул-фикр, Байрут, 1985.

• Ибн Асокир, Абул Қосим Сикотйиддин (ваф. 571/1176). Тарихи Димашқ, Дорул-фикр, Байрут, 1417/1996.

• Ибни Аби Шайба, Абдуллоҳ бин Муҳаммад (ваф. 1292–1350). Ал-Мусаннаф фил-аҳодис вал-осор., [Таҳқиқ: Камол Юсуф ал-Хут), Мактабатур-Рушд, Рияд, 1409.

• Ибни Жазий. Ат-Ташил ли улумит-Танзил, т.1, жойи ва санаси кўрсатилмаган.

• Ибн Қаййим ал-Жавзийя (1292–1350). Зодулмаод, (тарж.), Истанбул, 1988–1991.

• Ибн Касир, Абул-Фидо Исмоил ибн Умар ибн Касир ад-Димашқий (ваф. 1373). Ал-Бидоя ван-нихоя, Дорул-маариф, Байрут, санасиз.

• Ибн Можа, Муҳаммад бин Язид ал-Қазвиний (823–889). Сунан, Дорул-фикр, Байрут, санасиз.

• Ибн Саъд, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин Саъд ал-Маний (785–845). Ат-Табакотул-кубро, Дору содир, Байрут, санасиз.

• Ибни Саййидиннос. Уюнул-асар, I–II, Димашқ-Байрут, 1992. Ибни Асир (ваф. 630/1233), Ал-Комил фит-тарих, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1415/1995.

• Қози Иёз (ваф. 544/1149). Аш-Шифо би таърифи ҳукукил-Мустафо (с.а.в.), [Таҳқиқ: Хусайн Абдулҳамид Нил], Дорул-арком, Байрут, 1415/1995.

• Қуртубий, Муҳаммад бин Аҳмад (вафот 671/1273). Ал-Эълум [Таҳқиқ: Аҳмад Ҳижозий Сақа], Дорул-туросил-Арабий, Қоҳира, 1398/1978.

• Ал-Жомий ли Аҳкомил-Қуръон, Доруш-шаъб, Қоҳира, 1972.

• Қуръони карим (ўзбек тилида). Изоҳли тарж. Алоуддин Мансур. Тошкент, 1992; Тарж, ва тафсир. Абдулазиз Мансур. Тошкент Ислон университети, 2012.

• Насоий, Абу Абдирраҳмон Аҳмад бин Шуайб (215–303). Сунан (Таҳқиқ: Абдулфаттоҳ Абу Гудда), Мактабатул-матбуатил-исломийя, Алеппо, 1406/1986.

• Ас-Сунанул-кубро (Таҳқиқ: Абдулғаффор Сулаймон ал-Бундорий), Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1411/1991.

• Суютий, Абдураҳмон бин ал-Камол Жалолиддин (1445–1506). Ал-Ҳасоисул-кубро, I–III, Дорул-кутубил-илмийя, Байрут, 1985.

• Ал-Итқон фи улумил-Қуръон, – I, Ал-Матбуатул-Майманийя, Қоҳира, 1317/1899.

• Табароний, Абул-Қосим Муҳаммад бин Аҳмад (ваф. 971). Ал-муъжамул-авсот (Таҳқиқ: Ҳамди бин Абдулмажид ас-Салафий), Дорул-Ҳарамайн, Қоҳира, 1415.


• Китобул-мағозий, (Таҳкиқ: Марсден Жонс), Оламул-Кутуб, Байрут, 1966 (А. Соғуний, 2011).

### ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, юртимиз худудларида ўтмишда ёзилган асарларнинг аксарият қисми араб ва форс тилида битилгани сабабли мазкур асарларни ўзбек тилига таржима қилиш ва кенг китобхонлар оммасига етказиб бериш муаммоси пайдо бўлди. Мутафаккир олим Алихонтўра Соғуний ана шундай масалани олдиндан кўра билган инсонлардан саналади. Алихонтўра Соғуний қочкинлик ва тутқунлик даврларида, шунингдек, Шарқий Туркистондан олиб чиқиб кетилгач, Тошкентда ўтказган умри давомида илм ва маърифат билан машғул бўлиб, бир қанча асарларга муаллифлик қилди. “Шифо ал-илал”, “Уйғонайлик, уйғониш даври келди”, “Биздан эмасдирлар ватанни севмаганлар”, “Туркистон қайғуси”, “Тарихи Муҳаммадий” каби асарлар ўз ёзилиш тарихига эга бўлиб, уларда бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб турган диний-маърифий ва Ватан тарихига оид масалалар ёритилган. Шу билан бир қаторда, “Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи”, “Мусиқа рисоласи”, “Наводир ал-вақоъ”, “Темур тузуклари” каби асарларга таржимонлик ҳам қилди. Ушбу таржима асарларнинг барчаси ўз даври ва соҳаси бўйича шоҳ асарлар саналади. Уларнинг ҳар бири алоҳида ёзилиш тарихи ва шарт-шароитларига эга экани ҳамда уларда Ватаннинг улуг тарихи, юрт равнақи, ёшлар учун панд-насихат ҳамда санъат билан боғлиқ масалалар ёритилгани кўриб ўтилди. Хусусан, юқорида тавсифи келтирилган “Темур тузуклари”нинг биргина ўзи нақадар қийматли асар эканлиги барчага маълум. Шу сабабли олимнинг илмий меъросини тизимли тадқиқ этиш, унинг асарларида баён этилган ёшларни илм-маърифатга ундовчи қимматли фикрларни кенг тарғиб этиш ҳамда Алихонтўра Соғуний хотирасини тиклаш тадқиқотчилар олдида турган асосий вазифалардан бири саналади.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент: Ғофур Ғулом, 2020.
3. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Т.: Шарқ. 2015. 6-нашр,
4. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Т.: Шарқ. 2011. 5-нашр.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк қелажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
6. Шокиров Қ. Икки Туркистон ғурури. – Т.: Шарқ юлдузи, 1992. 7-сон,
7. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси / (I-II қисмлар) нашрга тайёрловчи Қутлуғхон (Эдикут) Шокиров. – Тошкент: Шарқ, 2020.
8. Абдулазиз Мансур. Буюк устоз ҳақида сўз. Т.: 1997. (нашриёти кўрсатилмаган)
9. Алихонтўра Соғуний., Караматов Ҳ. Темур тузуклари. форсчадан таржимаси. – Т.: Ғофур Ғулом, 1991.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. – 313 б.
11. Ислон энциклопедияси. А-Ҳ. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2004.
12. Долимов У. Маърифат дарғалари. – Т.: Маънавият. 1990.
13. Закий Аҳмад. Туркистон масаласи. – Берлин, 1924. (нашриёти кўрсатилмаган).
14. Солихов М.Б. Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари. Т.: 1932, – 140 б.
15. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Тошкент. Шарқ. 2003. 1-китоб.
16. Хўжамбердиев Ё. Соғуний. – Т.: Шарқ, 2018. – 158 б.
17. Алихонтўра Соғуний. Шифо ал-илал. – Тошкент: Мовароуннахр нашриёти, 2004. – 80 б.
18. Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал. –Тошкент. // Шарқ юлдузи, 1996. 6-сон.



**Saidahmadxon S. G'AYBULLAYEV,**  
*Doctoral Student of ISESCO Department of  
Islamic Studies and Civilization of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: gaybullayev1989@mail.ru*

## МОВАРОУННАХРЛИК ОЛИМЛАРНИНГ “УСУЛ АЛ-ФИҚХ” ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

## МЕСТО УЧЁНЫХ МАВЕРАННАХРА В РАЗВИТИИ НАУКИ “УСУЛЬ АЛЬ-ФИКХ”

## THE ROLE OF THE SCHOLARS OF MAWARANNAHR IN THE DEVELOPMENT OF USUL AL-FIQH

### КИРИШ

Милодий VIII асрдан бошлаб Мовароуннахр дийёрига кириб келган Ислом дини кейинчалик Ўрта Осиё халқларининг асосий диний этикоди ва яшаш тарзи ҳамда бошқарув мафқурасига айланди. Шу даврдан бошлаб бу минтақа тарихи, маданияти, сиёсий ҳаёти ислом билан чамбарчас боғланди. Ўлканинг ижтимоий ҳаётида дин қанчалик муҳим ўрин тутган бўлса, диний илмларнинг тараққий этишида ҳам шу минтақадаги воқелик ўзининг таъсирини кўрсатди. Айниқса, минтақадаги халқларининг ислом ҳуқуқи – “фикҳ” ҳамда унинг асос қоидалари ва далилларини ўрганувчи соҳаси – Усул ал-фикҳ илми ривожига ва такомиллашувидаги хизматлари улкан бўлди. Зеро, Ислом билимларидан энг кўп мурожаъат этиладигани фикҳ фани бўлиб, у ислом қонунчилигидан тортиб, то одоб ахлоқ меъёрларигача бўлган кенг доирадаги мавзуларни ўз ичига олган.

Мовароуннахрлик фақиҳлар дунёнинг барча минтақаларида тан олинган бўлиб, уларнинг асарлари ҳозирга қадар ислом ҳуқуқи бўйича илмий даргоҳларининг асосий дарслиги вазифасини бажармоқда. Бу эса ўлкага фикҳ илмининг кириб келиши, бу жойдаги ривожига, юзага келган йўналишлар ва аъёнларнинг ўзига хосликларини жиддий ўрганиш зарулигини кўрсатмоқда.

Ислом фикҳи қуйидаги икки йирик тармоқ ёки икки асосий қисмга бўлинади: улар усул

ал-фикҳ ва фуруъ ал-фикҳ. Усул ал-фикҳ шариятнинг асосий манбаларига таянган ҳолда шаръий ҳукмлар ишлаб чиқиш қоидаларини ўрганадиган фандир. Темурийлар даври олимларидан Саййид Шариф Журжоний (1340–1414) ўзининг “Таърифот” (Таърифлар) асарига: “Усул ал-фикҳ – амалий-шаръий ҳукмларга етказувчи қоидалар мажмуи”, дея соддагина таъриф берган. Ушбу таърифдан усул ал-фикҳнинг мавзуси шаръий далиллар, вазифаси эса мутахассисларда шаръий далиллардан амалий ҳукмлар ишлаб чиқиш малакасини шакллантириш экани келиб чиқади ва тилшунослик, калом, тафсир, ҳадис, тарих, мантик, фалсафа ва мантик, жамият-шунослик каби фанлар билан узвий боғлиқлиги мутахассислар томонидан таъкидланади (S. Jurjoniy, 1983:26). Ушбу илми тўлиқ ўзлаштирган олимлар ижтимоий ҳаётда пайдо бўлаётган янги масалаларга шариятнинг муносабатини очиб бериб, ислом ҳуқуқи бўйича унга баҳо бера оладилар.

Усул ал-фикҳ даставвал фикҳ фани таркибида Ироқ ўлкасида ҳижрий II–III (VIII–IX) асрда шакллана бошлаган бўлса, кейинги асрларда айнан ўртаосиёлик олимлар саъй-ҳаракатлари билан ривожланиш жараёни тезлашди ва тўлақонли фан сифатида шаклланди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Усул ал-фикҳга оид асарларнинг бизгача етиб келганлари орасида энг қадимгиси Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий (767–820) қаламига мансуб “ар-Рисола” (Мактуб) асари ҳисобланади. Шофеъий мазхабининг усул ал-фикҳи мазкур асар асосида шаклланган бўлиб, “мутакаллимлар йўналиши” номи билан аталади. Фарқли равишда ҳанафий мазхаби асосчиси Абу Ҳанифа (699–767) ва унинг шогирдлари Абу Юсуф (731–798), Муҳаммад ибн Ҳасан (749–805) дан кейинги авлодга усул ал-фикҳга оид бирор асар етиб келмаган. Улардан фуруъ ал-фикҳга оид “Зоҳиру-р-ривоя” тўпламига кирувчи олти асар мерос бўлиб қолган. Мазкур асарлар Муҳаммад ибн Ҳасан қаламига мансуб бўлиб, унда Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари томонидан берилган фатволар, ҳукмлар жамланган. Муҳаммад ибн Ҳасаннинг “Зоҳиру-р-ривоя” тўплами нафақат мусулмон қонунчилиги ривожига катта туртки берган, балки бутун дунё қонуншунослиги шаклланишида ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Фарб ҳуқуқшунослари Имом Муҳаммадни “Ислом Гроцийси” деб аташган бўлса-да, у Гюго Гроций (1583–1645) дан саккиз ярим аср муқаддам



**Аннотация:** Мақоладан кўзланган мақсад Мавароуннаҳр олимларининг ислом ҳуқуқи назарияси усул ал-фиқҳ фани шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссаларини тадқиқ этишдан иборат. Усул ал-фиқҳ илмининг даставвал Ироқ минтақасида шаклланиши кейинчалик Шарққа ёйилгани ва унга сабаб бўлган омиллар таҳлил қилинган. Хусусан, мавароуннаҳрлик, олимларнинг мазкур жараёндаги хизматлари, ёзган асарларининг усул ал-фиқҳ фани ривожига таъсири кўрсатиб берилган. Ҳудудда усул фанига оид ёзилган асарлар ва уларнинг хусусиятлари очиб берилган. Жумладан, Абу Мансур Мотуридийнинг “Маохиз аш-шариъа”, Абу Зайд Дабусийнинг “Тақвим ал-адилла” ва Фахрул-ислом Али Паздавий “Усул ал-Паздавий” асарлари орқали фанга олиб кирган янги тушунча ва услублар аниқланди. Шунингдек, Марказий Осиёлик олимларнинг усул фанида ўз ўрнига эга бўлган “Усул ас-Сарахсий”, “Мезон ал-усул”, “Манор” ва “ат-Талвих” каби асарлари ва уларга ёзилган шарҳ, ҳошия ва мухтасарлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Яқунда усул ал-фиқҳга оид асарларнинг ислом дини бош мақсадлари, назарий асослари, мазмун-моҳиятини тўғри англашдаги аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Паздавий, матн, фиқҳ, ҳадис, мотуридий, ҳанафий, қози, асҳабут-тахриж, шарҳ

**Аннотация:** Целью статьи является изучение вклада ученых Мавераннахра в становлении и развитии теории исламского права – усулу-л-фиqh. В исследовании рассматриваются факторы, которые привели к появлению усулу-л-фиqh в Ираке и его последующему распространению на Востоке. Анализируется научная деятельность ученых Мавераннахра и влияние их трудов на развитие науки метода аль-фиqh. Привлечены к исследованию письменные работы по усулу-л-фиqh в регионе, изучены их особенности. Определены новые понятия и методы, введенные в науку усулу-л-фиqh через произведения Каффала Шаши «Махасину-ш-шари'а», «Таквиму-л-адилла» Абу Зайда Дабуси и «Усул ал-Паздави» Фахру-л-ислама Али Паздави. Также изучалась научная деятельность и научные труды таких факихов, как Шамсу-л-а'имма Мухаммад Сарахси, Фахру-л-ислам Али Паздави, Алауд-дин Самарканди, Абу Хафс Умар Насафи, Хисамиддин Ахсикати, Низамиддин Шаши, Абул Баракат Насафи, Садру-ш-шахид Убайдуллах ибн Мас'уд Бухари. Автор статьи предоставляет важные сведения о таких произведениях, как «Таквиму-л-адилла», «Усулу-л-Паздави», «Усулу-с-Сарахси», «Мизану-л-усул», «Манар» и «ат-Талвих», а также комментарии и аннотации к ним. В заключении объясняется важность работ по науке усулу-л-фиqh для понимания теоретических основ, целей и сущности ислама.

**Ключевые слова:** Паздави, текст, фиqh (исламское право), хадис, матуриди, ханафи, қози (судья), асҳабут-тахридж, комментарий.

**Abstract:** The purpose of the article is to study the contribution of scholars of Mawarannahr to the formation and development of the theory of Islamic law – Usul al-Fiqh. The study examines the factors that led to the emergence of Usul al-Fiqh in Iraq and its subsequent spread in the East. The article analyzes the scientific activity of the scholars of Mawarannahr and the influence of their works on the development of Usul al-Fiqh. We have studied written sources on Usul al-Fiqh in the region and their features. New concepts and methods were introduced into the science of Usul al-Fiqh through the books of Mahasin ash-Shari'a by Qaffal Shashi, Taqvim al-Adilla of Abu Zayd Dabusi, and Usul al-Bazdawi of Fakhr al-Islam Ali Bazdawi. We researched the scientific activity and works of such faqihs as Shams al-A'imma Muhammad Sarakhsi, Fakhr al-Islam Ali Bazdawi, Alauddin Samarkandi, Abu Hafis Umar Nasafi, Hisamuddin Akhsikati, Nizamuddin Shashi, Abul Barakat Nasafi, Sadr ash-Shaheed Ubaidullah ibn Mas'ud Bukhari. The article provides valuable information about such works as Taqvim al-Adilla, Usul al-Bazdawi, Usul as-Sarakhsi, Mizan al-Usul, Manar, at-Talwih, and sharhs and hashiyas on them. In conclusion, we explained the importance of works on the science of Usul al-Fiqh for understanding the theoretical foundations, goals, and essence of Islam.

**Key words:** Bazdawi, text, fiqh (islamic law), hadith, maturidi, hanafi, qadi (judge), owners-taxrij, comment.

халқаро ҳуқуқнинг барча меъёрларини ўз асарлари орқали муфассал ёритиб берган эди.

Ҳанафий усул ал-фиқҳи (назарий қоидалари) мазҳаббошиларнинг мазкур олти асарда келган фатволари, ҳукмлари ва ижтиҳоди асосида шаклланиган бўлиб, улар “Фақиҳлар йўналиши” дея номланади.

Умумий олганда усул ал-фиқҳнинг тарихий таракқиёти давомида учта йўналишга асос солин-

ган. Улар: ханафийликнинг “Фақиҳлар йўналиши”, шофеъийликнинг “Мутакаллимлар йўналиши” ва уларнинг мувофиқлашувидан шаклланиган “Мухаққиқлар йўналиши” (F. Attor, 2013:14).

Усул ал-фиқҳ илми Мавароуннаҳрга икки йўл орқали кириб келган. Биринчиси бевосита ханафий усул ал-фиқҳи муаллифи ҳисобланган ироқлик фақиҳ Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981) нинг шогирдлари, жумладан, Абу Жаъфар ибн

Абдуллох Уструшоний орқали кириб келган. Абу Бакр Жассосдан кейин ханафий усул ал-фикҳи байроқдорлиги айнан Уструшонийнинг яқин шогирди Абу Зайд Убайдуллох ибн Умар Дабусий (ваф. 1038) кўлига ўтганини алоҳида таъкидлаш лозим (Z. Najmiddinov, 2019:30).

Иккинчи йўл Ироқ фикҳ мактабининг йирик вакили Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (750–809) нинг шогирдлари Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафс ибн Зибриқон Бухорий (768–832) ва Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816) орқали кириб келди ва ислом ҳукуки – фикҳ таркибида ривожланиб борди. Мазкур фақиҳлар фаолияти билан Бухоро ва Самарқандда фикҳ билан жиддий шуғулланадиган илмий мактаблар шакллана бошлади. Мазкур мактабларда фикҳнинг усул ал-фикҳ, илмул хилоф, сияр, макосид аш-шариъа ва бошқа тармоқ соҳалари ҳам ривожланиб борди.

XX асрнинг машҳур олими Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (1878–1952) қайд этишича, “Абу Ҳафс Кабир бухорий ва Абу Сулаймон Жузжоний Муҳаммад Шайбоний асарларининг асосий ровийлари бўлиб, кейинги авлодга улар орқали етиб келган” (М. Кавсарий, 1989:72). Кўшимча қилиб айтиш мумкинки, Шайбонийнинг охириги асари “ас-Сияр ал-кабир” ёзилганида Абу Ҳафс Кабир Ироқни тарк этиб, Бухорога қайтган эди ва шу сабаб асарни муаллифдан бевосита эшитиб, ривоят қилиш насиб этмаган. Аммо сабоқдош дўсти Абу Сулаймон Жузжоний эса, устозининг барча асарларини бевосита эшитиб, ривоят қилган. Ушбу икки олим Ироқ фикҳ мактаби илмий мероси Мовароуннахрга етиб келишида кўприк вазифасини бажарганлар.

Абу Ҳафс Кабир Мовароуннахрда илмлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солган. Мазкур илмий мактаб кейинчалик фақиҳнинг фарзанди Абу Ҳафс Сағир Муҳаммад ибн Аҳмад (ваф. 264/878) ва кўп сонли шогирдлари томонидан янада ривожлантирилди. Шу ўринда буюк муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810–870) ҳам ёшлигида Абу Ҳафс Кабирдан таълим олганини қайд этиш лозим (М. Kavсарий, 1969:9). Мазкур илм даргоҳи ўз даврида катта шуҳрат қозонган бўлиб, кўҳна Бухоронинг “Пойи калон” мавзесида жойлашгани ва XIII асрда ҳам фаолиятда бўлгани тарихий манбаларда зикр этилади (L. Asrorova, 2014:184). 2009 йилда мазкур мадраса ва унга туташ XVI асрга оид “Ҳазрати Имом” масжиди ҳамда ёнидаги Абу Ҳафс Кабир мақбараси (унда Абу Ҳафс Кабир, фарзанди Абу Ҳафс Сағир ва набираси, машҳур тасаввуф олими

Абу Бакр Калободий (ваф. 990) қабрлари мавжуд) қайта тикланди (S. Gaybullayev, 2015:101).

Абу Ҳафс Кабир фикҳнинг фуруъ тармоғига оид “Китаб ат-тахриж” (Тахриж китоби), “Фавоид” (Фойдалар), “Фатово” (Фатволар) ва “Масоил” (Масалалар) номли асарларни, ўғли Абу Ҳафс Сағирдан эса “ал-Аҳва ва-л-ихтилаф” (Ҳавойи гаплар ва ихтилофлар), “ар-Радду ала-л-лафзийя” (Юзаки қаровчиларга раддиялар) номли асарлар таълиф этган. Аммо мазкур асарлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, олимнинг берган фатволари кейинги давр манбаларида кўп учрайди ва улардан бир юз қирк (140) тасини тадқиқотчи Л. Асророва алоҳида рисолада жамлаган (L. Asrorova, 2014:129).

Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816) ва Абу Бакр Жузжоний (ваф. 250/864) ҳам ўз юртига қайтиб, Самарқандда “Дорул Жузжония” илмий мактабига асос солдилар. Мазкур илмий мактабга Абу Бакр Жузжонийдан сўнг унинг яқин шогирди Абу Мансур Мотурудий (ваф. 945), ундан кейин Мотуридийнинг яқин шогирди Абу Муин Насафий (1027–1114) бошчилик қилганлар (Н. Aminov, S. Primov, 2017:68).

Абу Мансур Мотуридий илмий фаолияти ақида илми билан чегараланиб қолган эмас. Унинг фикҳ ва усул ал-фикҳ тармоғига бағишланган асарлари соҳа ривожига муҳим ўрин тутган. Мотуридийнинг “Маъохиз аш-шариъа” (Шариат манбалари) ва “Китоб ал-жадал” (Мунозаралар китоби) номли асарлари Мовароуннахр минтақасида ёзилган усул ал-фикҳга оид биринчи манбалардир (K. Chalabiy, 1992:1408). Олимнинг мазкур асарлари бизгача етиб келмаган бўлса-да, турк олими Ш. Ўзен кейинги давр ханафий фикҳи адабиётларидаги иқтибослар асосида Мотуридийнинг усул ал-фикҳга оид қарашларини қайта тиклаган (N. Jabborov, 2004:92). Шунингдек, Мотуридий “Китоб ал-жадал” асари “суннийлик” йўналиши далиллари, фикҳий аҳкомлар муҳофаази ва адашган тоифалар фикрларини танқид қилишга бағишланган бўлиб, имомул-Ҳарамайн Жувайний (1028–1185) нинг машҳур “ал-Кофия фил-жадал” (Мунозара одоблари борасида кифоя китоб) ва Абу Исҳоқ Шерозий (1003–1083) нинг “ал-Маъуна фил-жадал” (Баҳслар мавзусига қўлланма) каби машҳур манбалардан олдин ёзилгани ва уларга асос бўлиб хизмат қилгани билан ҳам эътиборга молик.

Абу Муин Насафий (1027–1114) нинг ёзишича, Мотуридий қарматийларга қарши иккита раддия ёзган бўлиб, бири усул, бошқаси фуруъ. Биринчи асар қарматийларнинг ақидага оид нотўғри қарашларини танқидига бағишланган, зеро, ақидавий

карашлар учун ҳам кўпинча усул атамаси қўлланилади. Иккинчи асар фикҳга оид бўлса-да, усул ал-фикҳ мавзуларини ҳам ўз ичига олган бўлиш эҳтимоли мавжуд. Абу Муин Насафий ўзи санаб ўтган рўйхатда Мотуридийнинг барча асарларини камраб олмаганини қайд этади (А. Nasafiy, 1993:359). Мотуридийга “Шарҳ Жомеъ ас-Сағир” номли фикҳий асар ҳам нисбат берилган. Фахрул-ислом Паздавий (1009–1090)нинг айтишича, ушбу асар Мотуридийнинг шогирди Абдулкарим Паздавий (912–999) томонидан ривоят қилинган. Шунингдек, Абу Мансур Мотуридий ўзининг тафсир “Таъвилоту аҳли-с-сунна” асарида беш юзга яқин ҳукмий оятларни тафсирлаш асносида фикҳий ва усулий масалалар таҳлилига кенг ўрин ажратган. Мотуридий усул ал-фикҳга оид дастлабги асарлар таълиф этгани ва далиллаш амалиётида аклий ва мантикий қоидаларни кенг қўллагани билан соҳа таракқиётига катта ҳисса қўшди.

Мовароуннахрга усул ал-фикҳ илми бевосита ханафий усули муаллифи Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981) шогирдлари орқали кириб келгани ҳақида юқорида зикр этилди. Абу Бакр Жассос (ваф. 370/981) қаламига мансуб “ал-Фусул фи-л-усул” (Усул илмига оид фасллар) асари бизгача етиб келган ханафий усулига оид биринча тўлақонли асардир. Унинг устози Абул Ҳасан Убайдуллоҳ Кархий (ваф. 342/952) қаламига мансуб “ар-Рисола фил усул” (Усул илмига оид рисола) рисоласи ҳам усул ал-фикҳга оид бўлса-да, аммо унда усулга оид ўттиз тўққиз қоидагина зикр этилган ва Нажмиддин Абу Хафс Умар Насафий (1067–1142) томонидан ёзилган “Шарҳу мадорул-усул” (Усулнинг асоси бўлган қоидалар шарҳи) номли шарҳи ҳам ҳажман кичик бўлиб, Фахрул-ислом Али Паздавий (1010–1089)нинг фанга оид “Канзул вусул ила маърифатил усул” (Усулни ўрганишга етказувчи хазина) асарига илова сифатида нашр этилган (F. Pazdaviy, 1909:372). Усул олимлари Жассоснинг “Ал-Фусул” китобини ханафийлик усулига оид дастлабки тўлақонли асар сифатида баҳолайдилар. У тўрт жилддан иборат бўлиб, фаннинг асосий мавзулари батафсил ёритиб берган (А. Jassos, 1996:14).

Абу Бакр Жассосдан сўнг ханафий усул ал-фикҳини унинг набира шогирди Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий (ваф. 1038) ривожлантирди, янги мавзулар билан бойитиб, такомиллаштирди. Абу Зайд Бухоро ва Самарқанд оралиғида жойлашган Дабусия шаҳарчасида дунёга келгани сабаб, ўзига “Дабусий” нисбасини олган. Устози Абу Жаъфар ибн Абдуллоҳ Уструшоний

(ваф. 1014) Абу Бакр Жассоснинг яқин шогирди бўлиб, Мовароуннахрга Ироқ фикҳ мактаби илмий меросини олиб келган олимлардандир. Абу Зайд Дабусий келажакда ислом ҳуқуқининг усул ал-фикҳ (ҳуқуқ назариялари) ва илмул хилоф (қиёсий ҳуқуқшунослик) соҳалари етук олими бўлиб етишишида Абу Жаъфар Уструшонийнинг хизматлари катта бўлган.

Абу Бакр Жассосдан кейин усл ал-фикҳ илмининг муаллимлиги Абу Зайд Дабусий қўлига ўтди. Бухоро тарихида ўтган “Етти машҳур кози” (Қуззоти сабъ)ларнинг бири саналган Абу Зайд усул ал-фикҳга оид “Таквим ал-адилла фи усул ал-фикҳ” (Усул ал-фикҳга оид далилларни мустаҳкамлаш), “Таъсис ан-назоир”, (Ўхшаш масалаларни асослаш) “ал-Амад ал-аксо” (Атрофлича фикрлар) “ал-Асрор фи-л-усул ва-л-фуруъ” (Усул ва фуруъ илми сирлари) каби асарлари билан Абу Бакр Жассоснинг илмий қарашларини ривожлантирди, уларга янги қўшимчалар, тўлдиришлар қилди. Илк маротаба шаръий далиллар лафзини тўрт турга бўлиб ёритиб берди ҳамда сентиментал (ҳиссий) ҳаракат ва шаръий феъл ўртасида фарқлар мавжудлигини аниқлаб, уларни асослаб берди. Шунингдек, усул ал-фикҳга аҳлийят (лаёқат) мавзусини олиб кирган ҳамда вужуб аҳлияти (шариат таклифлари юклатилиши учун лаёқатли бўлиш) билан адо аҳлияти (бажариш лаёқати) ўрасидаги фарқларни кўрсатиб бериш билан, фаннинг мавзулар таркибинини тўлиқ шакллантирди (M. Bedir, 2010:492).

Факих ўз асарлари орқали мазҳаблар ўртасида фарқли ҳуқуқий қарашларни тартибга солиб, уларни илмий услубда ўрганиш қоидаларини ишлаб чиқди ва қиёсий ҳуқуқшунослик “илмул хилоф” фанига асос солди (А. Haysam, 1998:39).

“Таквим ал-адилла” юқоридаги хусусиятлари сабаб, доимо илм аҳлини ўзига жалб қилиб келган, натижада унинг қўлёзма нусхалари дунё бўйлаб кенг тарқалган ва асар устида олиб борилган татқиқотларда ҳозирда мавжуд йигирмадан ортиқ нусхалари тадқиқ этилган (Z. Najmiddinov, 2019:30). Жумладан, Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг асосий фондида асарнинг нодир қўлёзмалари сақланади. Улардан бири 489/1096 йили, яъни Дабусий вафотидан сўнг 58 йил ўтиб кўчирилган бўлиб, муаллиф даврига жуда яқин (А. Semenov, 1957:186). Манбаларда ханафий фақиҳлари томонидан асарга ёзилган шарҳ, хошия ва мухтасар туркумидаги китоб номлари зикр этилса-да, улардан Фахрул-ислом Паздавий қаламига мансуб “Мунтахабу Таквим ал-адилла” (Таквим ал-адилла



қисқартмаси) асаригина бизгача етиб келган (F. Sezgin, 199–1126).

Дабусийдан кейин усул ал-фикҳ илми байроқдорлиги унинг набира шогирдлари Фахрул-ислом Али Паздавий (1010–1089) ва Шамсул-аймма Муҳаммад Сарахсий (1009–1090) қўлига ўтди. Сарахсий ўзининг “Усул” асарини Дабусийнинг “Таквим ал-адилла”сига қўшимча, тўлдиришлар қилган ҳолда ёзган.

Шамсул-аймма Сарахсий (ваф. 1090) ҳанафий фақиҳларининг биринчи авлоди “мутақаддимин”нинг сўнги вакили ҳисобланади (В.Бартолд, 1990:101). Олимдан ислом ҳуқуқига оид катта илмий мерос қолган бўлиб, фикҳга бағишланган “ал-Мабусут” (Кенгайтирилган) асарининг ўзи ўн олти жилддан иборат ва у ислом ҳуқуқи мавзуларини тафсилотлари билан тўлиқ қамраб олгандир. “Ал-Мабусут” Муҳаммад Ҳасан Шайбонийнинг ҳанафий мазҳаби фикҳи асосини ташкил этган олти асар “зоҳир ар-ривоя”нинг ўзига хос шарҳи бўлиб, унда мазҳаб таълимоти ва ҳуқуқий қарашлар ва ечимлар тизимли тарзда, батафсил ёритиб берилган ва унинг манбавий таъсири жаҳондаги барча ҳуқуқий назарияларда топилади.

Сарахсийнинг усул ал-фикҳга оид “Усул” (*Сарахсий тартиблаган усул қоидалари*) асари фан бўйича асосий қўлланмалардан бири ҳисобланиб, муаллиф муқаддимада асарни ёзишга 479 йил шаввол ойининг охири (1087 йил 6 феврал)да Ўзкент қалъасидаги хоналарнинг бирида киришганини қайд этади. Унгача шох асари бўлмиш “ал-Мабусут” узоқ муддат давомида ёзиб тугатилганини қўшимча қилади (M. Saraxsiy, 1954:9). Аммо муаллиф “Усул” асарини қачон ёзиб тугатгани ҳақида хабар қолдирмаган. Асарни ёзишга киришганидан вафотига қадар бўлган муддат қисқалиги ҳамда асар мавзуларини тақсимлаш, тартиблашда очиқланмаган айрим мавҳумликлар уни яқунлагандан сўнг қайта кўриб чиқиш, таҳрирлаш имкониятига эга бўлмаганини билдиради. Шундай бўлса-да, асар юқори илмий савияда ёзилгани сабаб ҳар доим илм аҳлининг этибор марказида бўлган.

“Усул ас-Сарахсий” 1954 йил Абул Вафо Афғоний томонидан икки жилдда нашрга таёрланиб, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида “Дор ал-маъориф ан-Нўмония” нашриётида нашр этилган. Кейинчалик Байрутда 1973, 1993 ва 1997 йиллари қайта чоп этилган.

Ҳанафийларнинг усул ал-фикҳи Фахрул-ислом Али ибн Муҳаммад Паздавийнинг илмий фаолияти билан мукаммаллашди ва ўзининг энг юқори даражасига кўтарилди. Паздавий ўзигача

бўлган усулга оид барча қарашлар, ривоятлар, далилларни жамлаш ва уларни қайта таҳрирлаш, янгича услуб ва иборалар билан очиб бериш орқали ўзининг машҳур “Канзул усул ила маърифатил усул” асарини ёзди. Ушбу китоб усул ал-фикҳ хулосаси сифатида юзага келди ва ўзидан кейин ёзилажак асарларга ҳар томонлама асос вазифасини бажарди. Энциклопедик олим Ибн Халдун (1332–1406) ўзининг машҳур асари “Муқаддима”да: “Усул ал-фикҳнинг ҳанафийлар йўналишида жуда кўп асарлар ёзилган. Мутақаддимлардан Абу Зайд Дабусийнинг китоби, кейингилардан Сайфул-ислом Паздавийнинг асари энг манфаатли ва мукаммалдир” дея “Усул ал-Паздавий”га берган баҳоси бутун мусулмон олимларининг эътирофидир.

Дабусий, Сарахсий ва Паздавий асарлари орқали усул ал-фикҳ илми ўзининг якуний шакли ва мазмунига эга бўлганидан улар “арконус саласа” (уч устун) дея улуғланган ва кейинги давр усул олимлари уларнинг қарашларига таянганлар ҳамда якуний хулоса сифатида қабул қилганлар (F. Attor, 2013:16).

“Усул ал-Паздавий” муқаддимасида қайд этилганидек, муаллиф уни ёзишда - фанни мухтасар шаклда, аниқ ва тизим билан ёритиб бериш, амалий мисоллар билан боғлаб тушунтиришни мақсад қилган ҳамда ўз соҳасида мурожаат этиладиган манба бўлишини умид қилган. Муаллифнинг мақсади қанчалик амалга ошгани ҳақида машҳур манба “Кашфуз зунун” (Шубҳаларни очиш)да куйидаги қайдлар келган: “Усул ал-Паздавий ўзида қимматли маълумотларни жамлаган муҳим манба бўлиб, фақиҳлар унга шарҳ ёзишда гўё мусобақа қилишди”. Манба муаллифи Котиб Чалабий қўшимча тарзда ўндан ортиқ “Усул ал-Паздавий”га ёзилган машҳур шарҳлар ҳақида тўхталиб ўтган” (K. Chalabiy, 1992:182).

Кейинги давр адабиётларининг барчасида “Усул ал-Паздавий”га услуб ва мазмунан тақлидни қилиш мавжудлигидан ташқари, бевосита шарҳ, хошия, таҳриж, мухтасар ва мунтахаб туркумида ёзилган асарлар ҳам кўп сонни ташкил этади. Жумладан, Ҳамидуддин Али Ромиший Бухорий (ваф. 667/1268)нинг “*Ал-Фаваид ала усул ал-Паздавий*”, Ҳусомиддин Ҳусайн Сиғнокий Бухорийнинг (ваф. 714/1314) “*ал-Кофий шарҳул Паздавий*”, Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий (ваф. 730/1330)нинг “*Кашфу-л-асрор ан Усули Фахрил ислом Паздавий*” ва Акмалуддин Бобартий Мисрий (ваф. 786/1398)нинг “*ат-Тақрир ли усули Паздавий*” номли шарҳлари, Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 1474)

нинг “*Тахриж аҳадиси Усул Паздавий*” ҳамда Хусомуддин Ахсикатий Фарғонийнинг (ваф. 644/1246)нинг “ал-Мунтахабул Хусомия” ва Абул Баракот Насафий (ваф. 710/1310)нинг “Манорул-анвор” номли мухтасар (қисартма)лари нашр этилган бўл-са, нашр этилишини кутаётганлари бундан ҳам кўпроқдир (S. G‘aybullayev, 2021:197).

“Усул ал-Паздавий”нинг 2016 йилги нашрини амалга оширган Доктор Саид Бекдош Шамсулаимма Сарахсий “Усул” асарининг бир неча ўринларида маълумотлари сабоқдош дўсти Фахрул-ислом Паздавийнинг китобидаги малумотлар билан ҳарфма-ҳарф монанд эканидан Паздавийнинг “Усул” асари муаллиф давридаёқ кенг оммалашган, илм аҳли уни энг тўғри манба сифатида қабул қилганини хулоса қилади (F. Pazdaviy, 2016:26). Айтиш керакки, “Усул ас-Сарахсий” муаллифнинг сўнги таълифи ҳисобланиб, вафоти 1090 йилдан сал олдинроқ ёзиб тамомлаган.

Манбалар Фахрул-ислом Паздавийнинг усул ал-фикҳга оид “Шарҳ Таквим ал-адилла” ва “Мунтахаб Таквим ал-адилла” каби асарлар таълиф этгани зикр этилади. Ушбу икки асар Дабусийнинг “Таквим ал-адилла”сига изоҳ ва қисқартма сифатида ёзилган бўлиб, уларнинг иккинчиси бизгача етиб келган (F. Sezgin, 199–1126).

“Усул ал-Паздавий”нинг дунё бўйлаб қўлёзма нусхалари кенг тарқалгани ҳам ҳар доим илмий доирада унга талаб юқори бўлганини билдиради. Ғарб олими Карл Брокелман асарнинг Европа, Осиё, Шимолий Африка мамлакатлари китоб фондларида ҳозирда мавжуд йигирма бешта қўлёзма нусхаси ҳақида маълумот келтирган (K. Brokelman, 1989:289). Тошкентдаги Абу Райҳон номидаги Шарқшунослик институтининг асосий фондида ҳам асарнинг учта нодир қўлёзма нусхалари № 1397, № 3112, № 4739 инвентар рақам остида сақланмоқда.

Паздавийларнинг кичиги Садрул-ислом Абул Юср Муҳаммад Паздавий (ваф. 493/1100) ҳам илмий фаолияти ва ёзган асарлари билан фикҳий илмлар ривожига катта ҳисса қўшган фақиҳлардан. Унинг “Китоб фиҳи маърифат ал-ҳужаж аш-шаръийа” (Шаръий ҳужжатларни билишга бағишланган китоб) ва “Усул ад-дин” (Дин асослари) номли икки асари бизгача етиб келган бўлиб, биринчиси усул ал-фикҳга, иккинчиси эса калом илмига бағишланган.

Абул Юсрнинг ҳар иккала асари ҳам ғоят этиборли манбалардан бўлиб, аввалгиси ғарб шарқшунослар Мария Бернанд ва Эрик Чоумонт томонидан тадқиқ этилиб, 2003 йил Қоҳирада нашр этилган. Асар муқаддимасида муаллиф усул

ал-фикҳга оид бири қисқа ва бири кенгроқ иккита китоб ёзганини қайд этиб ўтган. Шарқшунос олим Ханс Петр Лансс эса Паздавийнинг ақидага оид “Усул ад-дин” асари қўлёзма нусхалари асосида 1952 йил унинг танкидий матнини таёрлаган ва 1963 йил нашр қилдирган. Асарнинг Шарофиддин Гулсук томонидан турк тилига қилинган таржимаси 1980 йил Истанбулда “Аҳли сунна ақоиди” номи билан нашр этилган. франсуз олими, сациолог Даниэл Гимарет Паздавийнинг “Усул ад-дин” асари асосида “Инсоннинг иродий феъллари” мавзусида тадқиқот амалга оширган (D. Gimaret, 1980:192).

Абул Юср Паздавийнинг катта шогирдларидан бири Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (539/1145) устозининг илмий меросини такомиллаштириб, фикҳга оид “Тўхфатул-фуқоҳо” (Фақиҳларга ҳадялар) ва усул ал-фикҳга оид “Мезону-л-усул фи натаижи-л-уқул фи усули-л-фикҳ” (Ақллар топган натижалари бўйича усул илми мезони) номли асарлар таълиф этди (A. Samarqandiy, 1958:13).

Алоуддин Самарқандий “Мезону-л-усул” асарининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, унда Абу Мансур Мотуридийнинг усул ал-фикҳга оид қарашларига кўп мурожаат этилган ҳамда, мумтоз ҳанафий анъаналаридан кўра матакаллимлар услуби ҳамоҳангроқ тарзда ёзилган. Муаллиф асар муқаддимасида унга бир дона муфассал ва яна бир мухтасар шарҳ ёзгани ҳақида хабар берган бўлса-да, иккинчиси бизгача етиб келган (A. Samarqandiy, 1984:24). Асарнинг XIII аср охирларига мансуб икки қўлёзма нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида №3143 ва 5881 инвентар рақамлар билан сақланади.

“Мезону-л-усул” асари дастлаб Қатар университети профессори, доктор Муҳаммад Заки Абдулбар томонидан 1404/1984 йили Доҳада нашр этилган. Доктор Абдулмалик Абдурахмон Саъдий асарнинг Принстон университети (АҚШ) кутубхонасида №1626 инвентар рақам билан сақланаётган 1227 йил Абдулкоҳир ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳанафий томонидан кўчирилган қўлёзмаси асосида матн тайёрлаб 1988 йили Бағдодда нашр қилдирган (M. Komilov, 2006:80).

Паздавийларнинг яна бир етук шогирди Нажмиддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад Насафий (1067–1142)нинг ақида, ҳадис, тафсир, фуруъ ал-фикҳ илмларига оид кўпгина асарлари бизгача етиб келган. Шунингдек, усул ал-фикҳга оид иккита рисоласи қўлёзмалари ҳам ҳозирга қадар етиб келгани аниқланган бўлиб, биринчиси Абул Ҳасан Кархийнинг “Усул” асарига “Шарҳу мадору-



л-усул” номи билан ёзган шархидир. Мазкур рисола ўн бетга яқин кичик ҳажмли рисола бўлиб, Абу Зайд Дабусийнинг “Таъсис ан-назар” (Ўхшаш масалаларни асослаш) асари ва Фахрул-ислом Паздавийнинг “Усул ал-Паздавий” (Паздавий тузган усул илми қоидалари) асарига илова сифатида нашр қилинган (Ф. Паздавий, 1909:372). Доктор Мустафо Муҳаммад Қаббоний ушбу нашрларни чоп этишда Туркиянинг Сулаймония кутубхонасида №2003, 669, 3808 ва 3583 рақамлар остида сақланаётган қўлёзмалар асос қилиб олингани қайд этган (А. Dabusiyy, 1993:184).

Яқин йилгача тадқиқотчилар мазкур шарҳни Умар Насафийнинг усул ал-фикҳга оид ягона асари сифатида қайд этишаради. Аммо, сўнгги тадқиқотлар натижасида фақиҳнинг “Таҳсил усул ал-фикҳ ва тафсил ал-мақолат фиҳа ала ал-важҳ” (Усул ал-фикҳни ўрганиш ва у тўғридаги умумий қарашларнинг тафсилоти) номли асари мавжудлиги аниқланди. Асар ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти асосий фондида 1462 рақам билан сақланаётган “Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум” номли тўплами таркиби (қўлёзмининг 26а–44а варақлари)да мавжудлиги аниқланди. Тарих фани номзодлари Ҳ.Аминов ва С. Муҳаммадаминовлар томонидан мазкур қўлёзма тадқиқ этилиб, унинг замонавий нашри ва ўзбек тилига таржимаси амалга оширилди (У. Nasafiyy, 2015:22).

Мазкур рисола тўғрисида ҳали бирор илмий адабиётда зикр этилмаган бўлиб, унинг ҳажми – 22 варақ; саҳифалар ўлчами – 27,5 × 33 см; матн ўлчами – 20,5 × 22,5 см.дан иборат. Рисола 765/1363 йили котиб Муҳаммад ибн Ҳомид ибн Али ал-Бухорий (лақаби Шараф ал-Ҳомидий) томонидан кўчирилган (У. Nasafiyy, 2015:22). Муаллиф асарда фаннинг асосий мавзуларини ихчам, тизимли тарзда баён қила олгани ҳамда кўпгина маҳаллий олимлар ва уларнинг илмий қарашларини келтиргани аҳамиятга молик жиҳатлардан.

Мовароуннаҳрда ёзилган ҳанафий усул ал-фикҳининг машҳур манбаларидан бири Низомиддин ибн Муҳаммад Азиз Шоший (ваф. 600/1203)нинг “Усул” асаридир. Асар ихчамлиги, тили содда ва равлонлиги ҳамда ҳанафийлик ва шофъийлик асослари қиёсий таҳлил қилингани, ҳар бир қоида амалий мисоллар орқали тушунтирилгани билан фикҳ ихлосмандлари эътиборига тушган. Асарни нашрга тайёрловчи Муҳаммад Акрам Надавий зикр этишича, VIII/XIV аср ўрталарида “Усул аш-Шоший” хинд диёрларида кенг оммлашган, таълим масканларида қўлланма сифатида ўқитилган. Шунингдек, Шом, Миср ва Ҳиндистон олимлари

томонидан асарга шарҳ ва ҳошиялар ёзилганидан Ўрта Осиё, Шом ва Шимолий Африка мамлакатлари ўқув даргоҳларида дарслик сифатида ўқитилганини билиш мумкин (N. Shoshiyy, 2019:15).

Усул ал-фикҳ илмидаги машҳур шахсиятлардан бири Хусомиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ахсикатий (ваф. 644/1247) бўлиб, Фарғона водийсидаги кўҳна Ахсикат шаҳарчасида туғилган ва Бухорода 644/1247 йил 23 зулқаъда/1 июнда вафот этган ва “Етти қози” қабристонида дафн этилган (М. Kafaviyy, 1991:122). Ахсикатийнинг “ал-Мунтахаб ал-Хусомий” номи билан танилган “ал-Мунтахаб фи усули-л-мазҳаб” (Мазҳаб усули бўйича мухтасар асар) китоби усул ал-фикҳ бўйича бутун мусулмон оламида кенг тарқалган кам сонли манбалардан бири ҳисобланади. Асар ҳақида унинг шорихларидан бири Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий (ваф. 730/1329): “Ал-Мунтахаб ал-Хусомий” тартиби мустаҳкам, услуби содда ва ортиқчаликдан холилиги билан ўз бобида тенги йўқ манбадир. Шу этибордан у яқин ва узок, Шарқ ва Ғарбга етиб борган”, дейди (К. Chalabiyy, 1992: 185).

Машҳур тарихчи Шамсуддин Саховий (ваф. 902/1497) Ахсикатий таржимаи ҳолида унинг “ал-Мунтахаб” асари ҳақида тўхталиб, XV асрда мусулмон мамлакатларининг илм даргоҳларида дарслик сифатида ўқитилганини қайд этади (R. Frye, 1996:130). Тадқиқотчи А. Мирҳамидов ҳам асарга ёзилган шарҳларнинг аксари XIV–XV асарларга мансуб экани ва қўлёзма нусхаларнинг асосий қисми XV асргача кўчирилганидан келиб чиқиб “ал-Мунтахаб” мазкур асрларда илм аҳли орасида кенг оммалашган, кейинчалик усул ал-фикҳ олимлари эътибори Абул Баракот Насафий (ваф. 1388)нинг “Манор ал-анвор” (Нурлар минораси) асари каби кичик ҳажмли рисолаларга қаратилган деган қарашни олға суради (А. Mirhamidov, 2019:67). Шу ўринда “ал-Мунтахаб” асари илмий доирада ҳар доим ўз қадрини сақлаб қолганини таъкидлаш лозим.

Абул Баракот Ҳофизиддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафий ўзининг машҳур рисоласи “Манор”да Паздавий ва Сарахсийнинг фанга оид асарлари хулосасини жамлаган ва мавзулар Паздавий тартиби бўйича тартибланган. Шунингдек, “Манор” асари фақатгина “саҳиҳ” (энг қувватли), “мухтор” (танланган) қарашларни қамраб олгани учун илмий доирада катта эътиборга сазовор бўлди. Натижада унга жуда кўп шарҳ ва ҳошиялар битилди. Жумладан, Қивомиддин Кокий (ваф. 749/1348)нинг “Жомеъу-л-асрор фи шарҳи-л-Манор”, Маҳмуд ибн Муҳаммад Деҳлавий (ваф. 891/1486) нинг “Ифазату-л-анвор фи изаъати усули-л-манор”, Зайнуддин ибн Нуҷаймининг (ваф.

970/1563) “Фатхул ғаффор би шархи-л-манор” ва Абдулатиф ибн Малак (ваф. 801/1398)нинг “Усул ибн Малак” номли машхур шарҳлари мавжуд (S. Brokelman, 1909:250).

Манбаларда “Манор” асарига муаллиф Абул Баракот Насафийнинг ўзи томонидан бири қисқа, бири узун икки шарҳ ёзган бўлиб, аввалгиси “Мунаввир” дея номланган ва Брокелманнинг таъкидлашича, унинг Indian Office кутубхонасида 313 рақами остида ва Ҳасан Пошо халқ кутубхонасида 1593 рақами остида сақланаётган икки қўлёзма нусхасигина бизгача етиб келган (S. Brockelmann, 1909:250). Кейингиси эса, “Кашф ал-асрор фи шарҳи манору-л-анвор” (Манор сирларини кашф этиш) дея номланган бўлиб, “Муаллиф шарҳи” номи билан танилган ва 1317/1913 йил Булоқ нашриёти тошбосма нашри, 1986 йил Байрутда асарнинг бошқа бир шарҳ – “Нурул-анвор” билан қўшиб нашр этилган (A. Nasafiy, 2009:4).

“Манор” асарининг қўлёзма нусхалари дунё фондларида кенг тарқалган. Жумладан, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг асосий фондида учта қадимий нусхаси мавжуд. Улардан муаллиф даврига энг яқини №10718 рақам билан сақланаётгани бўлиб, 1319 йилда Мирзо Муҳаммад Шариф ибн Қози томонидан кўчирилган (Д. Мақсудов, 2008:18). Абдулхай Лакхнавий келтиришича, Насафий усул ал-фикҳга оид яна бир асар “ал-Мунтахаб ал-Ҳусомий” “Шарҳ ал-Мунтахаб” номли шарҳ ҳам ёзган.

Абул Баракот Насафий Паздавий ва Сарахсий асарларини жамлаб “Манор” рисоласини таълиф этиш билан усл ал-фикҳда турли манбаларни умумлаштириш анъанасига асос солди. Кейинчалик Насафийнинг ғоялари Убайдуллоҳ ибн Масъуд каби усул олимлари томонидан ривожлантирилиб, фанда ханафий ва шофеъий қарашларини бирлаштирган “муҳаққиқлар” йўналиши юзага келди (Ibn Soatiy, 2018:12).

Садруш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд Маҳбубий Бухорий (ваф. 747/1346) Мовароуннаҳрда усул ал-фикҳ бўйича ёзилган энг сўнги мустақил асарлар муаллифидир. Фақиҳ “Танқиҳул усул” (Усул илмидаги тузатишлар) номли китоби орқали фандаги охириги – учинчи йўналиш “муҳаққиқлар” услубига асос солди. Садруш-шариъа мазкур асарни аввалги икки йўналишнинг асосий манбалари бўлимиш “Усул ал-Паздавий” ва “Усул Ибн Ҳожиб” (Ибн Ҳожиб шакллантирган усуллар) ва “Маҳсул ар-Розий” (Розийнинг тадқиқи) асо-

сида ёзган бўлиб, ханафийлар ва шофеъийлар усулларини бирлаштириш ва мувофиқлаштиришга муваффақ бўлди ва муҳаққиқлар усулига асос солди.

Манбаларда келишича, асар ҳали ёзиб тугатилмай илм аҳлининг катта қизиқишига сабаб бўлган ва улар асарнинг қораламасидан ўзларига кўчирма қилиб оладилар. Муаллиф асарни қайта кўриб чиқиш ва таҳрирлаш асносида айрим масалаларига қўшимча ва изоҳлар киритиш зарурати борлигини ҳис этади ва унга “Ат-Тавзиҳ фи халли ғавомиз ат-Танқиҳ” (Ат-Танқиҳнинг яширин маъноларини очишдаги ёрқин асар) номли шарҳ ёзади. Мазкур шарҳ Байрутда 1416/1995 йили нашр этилган. “ат-Тавзиҳ”га Саъдуддин Тафтазоний (1322–1392) томонидан ёзилган “Ат-Талвиҳ фи кашфи ҳақоик ат-Танқиҳ” (Ат-Танқиҳ маъноларини очиб бериш борасидаги эслатма) номли шарҳ ўрта асрларда катта шуҳрат қозонган (S. Taftazoniy, 1997:17).

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Мақоланинг натижалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин. Усул ал-фикҳ илми даставвал Ироқ ўлкасида юзага келган, кейинчалик Муҳаммад ибн Ҳасан ва Абу Бакр Жассос шогирдлари орқали шарққа ёйилган. Мовароуннаҳрлик олимларнинг усул ал-фикҳ фани ривожланиши, мустақил фан сифатида шаклланишидаги хизматлари кўрсатиб берилди. Мовароуннаҳр ҳудудида ёзилган асарлар ва уларнинг хусусиятлари таҳлил этилди.

Абу Мансур Мотуридийнинг “Маохиз аш-шариъа” ва Абу Зайд Дабусийнинг “Тақвим ал-адилла” асарларида фанга олиб кирган янги услублар ва тушунчалар аниқланиб, таҳлил этилди. Шунингдек, Фахрул-ислом Али Паздавий, Шамсул-аймма Муҳаммад Сарахсий, Алоуддин Самарқандий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Хисомиддин Ахсикатий, Низомиддин Шоший, Абул Баракот Насафий ва Садруш-шаҳид Убайдуллоҳ ибн Масъуд Бухорий каби усул олимларининг илмий фаолияти ва фанга оид асарлари тадқиқ этилди. Усул фанида ўз ўрнига эга бўлган “Тақвим ал-адилла”, “Усул ал-Паздавий”, “Усул ас-Сарахсий”, “Мезон ал-усул”, “Манор” ва “ат-Талвиҳ” каби асарлар ва уларга ёзилган шарҳ, хошия ва мухтасарлар ҳақида маълумотлар берилди. Яқунда Ислом динининг назарий асослари, мақсад ва мазмун-моҳиятини англаб етишда усул ал-фикҳ асарларининг ўрни ва аҳамияти очиб берилди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтсак, усул ал-фикҳ фани ҳижрий III/IX асрда Ироқ минтақасида юзага келган бўлса-да, кейинги даврларда келиб айнан Ўрта Осиё ҳудудида ривожланиб, тўлақонли фан сифатида шаклланди. Ҳанафий усул ал-фикҳининг дастлабки манбаси Кўфа мактаби вакили Абу Бакр Жассосга тегишли бўлса-да, ундан кейинги манбаларнинг барчаси айнан мовароуннаҳрлик фақиҳлар томонидан ёзилган ва фаннинг назарий асослари сифатида қабул қилиниб, уларга шарҳ, изоҳ ёзиш анъанага айланган.

Мовароуннаҳрлик фақиҳлардан Абу Зайд Дабусий, Фахрул-ислом Паздавий ва Шамсул-аймма Сарахсий ўз илмий ишлари орқали ҳанафий усулини тўлиқ шакллантириб, мавзуларини тизимли равишда тартибга солдилар ва мавжуд қараш ва ёндашувларни умумлаштириб, таҳрир қилдилар. Ушбу хизматлари ўлароқ улар усул ал-фикҳ илмида “уч устун” (аркон ас-саласа) дея эътироф этилдилар.

Усул ал-фикҳ оид “Таквим ал-адилла”, “Усул ал-Паздавий”, “Усул ас-Сарахсий”, “Мезон ал-усул”, “Манор” ва “ат-Талвих” каби Мовароуннаҳр ҳудудида ёзилган асарлар бутун мусулмон оламида катта қизиқиш билан ўрганилган бўлиб, натижада уларга ёзилган шарҳ ва изоҳлар сони кўпчиликини такшиқил этади. Ҳозир ҳам илмий даргоҳларда дарслик сифатида ўқитилади. Исломи дини мақсади ва мазмун-моҳиятини очиб берувчи мазкур асарлар айни кунда жамиятда дин билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Jurjoniy Sayyid Sharif. Ta'rifot. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1983.
2. Fahriddin Attor. Usul al-fiqh. – Istanbul: IFAV nashriyoti, 2013.
3. Najmiddin Z. Abu Zayd ad-Dabusiy ilmiy merosining Movarounnahr fiqh ilmi rivojidagi o'rni. – T.: O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot-matbaa birlashmasi, 2019.
4. Kavariy Muhammad Zohid. Husnut-taqoziy fi siyrati Imam Abu Yusuf. – Misr: Maktabtul-azhariyya, 1987.
5. Asrorova L. Abu Hafs Kabir Buxoriy va Hanafiy fiqhi. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2014.
6. Aminov H., Primov S. Hanafiy fiqhi tarixi, manbalari va istilohlari. – Toshkent: Movarounnahr, 2017.
7. Chalabiy Kotib. Kashfuz zunun an asamil kutub val funun. – Bayrut. Dor kutub al-ilmiya, 1992.
8. Jabborov Ne'mat. Imom al-Moturidiy – faqih. – Toshkent: Imom al-Buxoriy saboqlari jurnali. 2004. – №1.
9. Nasafiy Abul Mu'in. Tabsira al-adilla. – Anqara: Diniy ishlar rayosati nashriyoti, 1993.
10. Hakimova N. Abu Bakr Qaffol Shoshiyning huquq falsafasi: “fozil siyosat” atamasi // Sharq Allomalari yozma merosining ilmiy, falsafiy ma'naviy tafakkurdagi o'rni / konf. mater. – Toshkent: ToshDU nashriyoti, 2020.
11. Haysam Abdulhamid. Tatovvur al-fikr al-usuliy. ar-Riyod: Muhammad ibn Sa'ud universiteti, 1998.
12. Abu Bakr Jassos. al-Fusul fi ilmil usul. – Bahrut: Dorul kutub al-ilmiya, 1996.
13. Murteza Bedir. Tekvimul-edille // TDV Islâm Ansiklopedisi/. – İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfi, 2010.
14. Dabusiy Abu Zayd. Taqvim al-adilla // noshir Xalil Muhyiddin al-Mis /. Dor al-kutub al-ilmiya, 2001.
15. Sezgin Fuad. Tarix at-turos al-arabiy. – Ar-Riyod: Muhammad ibn Sa'ud universiteti, 1991.
16. O'zSSR fanlar akademiyasining sharq qo'lyozmalari to'plami // A.A.Semyonov tahriri ostida. – Toshkent: O'zSSR FA nashriyoti, 1957.
17. Ibn Xaldun Yahyo Abu Zakariyo. al-Muqaddima. – Qohira: Maktabatu Ibn Taymiya, 1980.
18. G'aybullaev S. Usul al-Pazdaviy asosida yozilgan asarlar. – Samarqand: “Imom Buxoriy saboqlari” jurnali, maxsus son, 2021.
19. Brokelman K. Tarixul adab al-arabi // arab tiliga tarjimon Doktor Abdulhalim Najjor/. – Qohira: Dor al-Ma'orif, 1989.
20. Daniel Gimaret. Théories de l'Acte Humain En Théologie Musulmane. Paris: Librairie Philosophique, 1980.
21. Samarqandiy Alouddin. Mizonu-l-usul //nashrga tayyorlovchi Muhammad Zaki Abdulbar/. – Qatar: Matba'a al-kutub, 1984.
22. Komilov M. Movarounnahrda fiqh ilmi rivoji va Alouddin as-Samarqandiy. – Toshkent: Istiqloq, 2006.
23. Nasafiy Abu Hafs. Tahsil usul al-fiqh // tarjimon va nashrga tayyorlovchi: Hamidulla Aminov, Saidakbar Muhammadaminov /. – Toshkent: “Noshir” nashriyoti, 2015.
24. Shoshiy Nizomiddin. Usul ash-Shoshiy //Tarjimon va nashrga tayyorlovchi: Ahmadaliev Abduvohid Muhammadazim o'g'li. – Toshkent: Movarounnahr nashriyoti, 2019.
25. Mirhamidov A. Al-Muntaxab al-Xusomiy asari va uning qo'lyozmalari. – Toshkent: “Islom tafakkuri” jurnali, 2019. – №2
26. Brockelmann C. GAL. – Leipzig, Amelangs, 1909. – U. II.
27. Maxsudov D. Abul Barakot Nasafiyning tafsir ilmida tutgan o'rni: Tar. fan. nom. Diss. avtoref. – Toshkent: Toshkent islom universiteti nashriyoti, 2008.
28. Sa'duddin Taftazoniy. At-Talvih ala at-Tavzih. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 1997.